

А.Ҳайдаров

**ФОНЕТИК УСЛУБИЙ
ВОСИТАЛАР**

Методик қўлланма

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

А.Ҳайдаров

**ФОНЕТИК УСЛУБИЙ
ВОСИТАЛАР**

**5120100 Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз, ўзбек) ва
5111400 Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бакалавр
таълим йўналишлари талабалари учун методик қўлланма.**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро – 2022**

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари номзоди,
доцент: **З.И.Расулов**

Тақризчилар:

Филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
М.Ф.Норова

Филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
Н.С.Қобилова

Ушбу махсус курс учун мўлжалланган методик қўлланма Бухоро давлат университети ўқув методик кенгашининг 2021 йил, _____
29 - декабрдаги 5- йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Тилшуносликнинг кейинги тараққиётида тилнинг ҳиссий тасирчанлиги қиррасини ўрганишга киришилди. Тил фонетик воситаларининг услубий имкониятларини ўрганиш, ушбу воситаларнинг вазифавий услублари билан боғлиқ фонетик материалларнинг артикуляцион – акустик ва просодик хусусиятларини аниқлаш, турли шароитларда ўзаро фарқлановчи талаффуз кўринишлари ва бундай кўришишларнинг услубий вазифасини белгилаш муҳим ҳисобланади.

Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) ҳамда хорижий тил ва адабиёти (инглиз) бакалавр таълим йўналишлари ўқув режасида “Стилистика ва матн таҳлили” фанига 24 соат маъруза учун, 24 соат амалий машғулот учун соатлар ажратилган. Ушбу соатларнинг маълум бир қисми ўқув дастурида фонетик стилистика масалаларига бағишланган. Фан дастурида кўзда тутилган мавзуларга қўшимча материал сифатида фоностилистикага оид материаллар ўз аксини топган ушбу методик қўлланмада фоностилистика курсининг мақсад ва вазифалари, фонетик услубий воситалар, унли ва ундош товушлар талаффузи билан боғлиқ услубий хусусиятлар, товуш ўзгариши ва товуш такрорининг вазифаси, шунингдек, интонация, пауза ҳамда урғулар билан боғлиқ услубий хусусиятлар ҳақида фикрлар баён этилган.

Методик қўлланма нафақат талабалар учун, балки стилистика соҳасига қизиқувчилар, шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга ҳам амалий ёрдам беради.

Муаллиф.

ФОНОСТИЛИСТИКА КУРСИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ ВА ЎРГАНИЛИШИ

Режа:

1. Фонетик услубият ҳақида.
2. Фонетик услубиятнинг ўрганилиш тарихи.
3. Фонетик услубиятнинг тадқиқ даражаси ва муаммолари.

Таянч тушунчалар

фоностилистика- товуш услубияти
график стилистика- ёзув услубияти
номинатив- аташ
коммуникатив- алоқа қилиш
экспрессив- таъсирчанлик
эмоция- ҳаяжон
фонография- товуш ёзуви
артикуляция- товуш айтилиши
акустика- товуш эшитилиши
апеллятив- эшитиб таъсирланиш
стилистик маъно-қўшимча бўёқ маъноси
сегмент- асос
суперсегмент- устки бўлак

Адабиётлар рўйхати

1. Э.Қиличев. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. - Т.: 1982. –Б. 46 – 74.
2. А.Абдуазизов. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир// Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. №2. –Б. 24-28.
3. А.Нурмонов. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфологияси. -Т.:1991. –Б. 44-49.
4. А.Ҳайдаров. Фоностилистик воситалар ҳақида. Филология ва методика масалалари. Тўплам.Бухоро, 2006. –Б. 162-166.
5. Г.Яхшиева. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. НДА.Т.:1997.
6. А.Шомақсудов. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
7. С.Каримов. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. – С. 2016. – 151 б.

Кишилар орасида муҳим алоқа воситаси бўлган тил номинатив, коммуникатив ва экспрессив вазифаларни бажариш қудратига эга бўлган мураккаб ҳодисадир. Тилнинг аташ, алоқа қилиш вазифаси ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилган, аммо унинг киши руҳига таъсир қилувчи эмоционал-экспрессив томонини яъни, услубий жиҳатдан ўрганиш етарли эмас.

Тилшуносликнинг кейинги тараққиётида тилнинг ҳиссий таъсирчанлик қиррасини ўрганишга киришилди. Бу соҳада қилинган илмий ишлар асосан лексик ва грамматик воситаларнинг стилистик қўлланишига бағишланган эди. Тил фонетик воситаларининг услубий имкониятини ўрганиш, бу воситаларнинг вазифавий услублари билан боғлиқ фонетик материалларнинг артикуляцион — акустик ва просодик хусусиятларини аниқлаш, турли шарт — шароитларда ўзаро фарқланувчи талаффуз кўринишлари ва бу кўринишларнинг услубий вазифасини белгилаш муҳимдир.

Европа ва рус тилшунослигида фонетик стилистика муаммолари атрофлича ўрганилган. Жумладан, рус тилшунослигида фоностилистика масалалари Л.В.Щерба, Л.Р.Зиндер, М.В.Панов, Р.И.Аванасев, Л.В.Бондарко, М.В.Гордина, В.Б.Касевич, Л.Г.Барлас, Л.М.Шанский каби олимларнинг ишларида батафсил ёритилган. Ўзбек тилшунослигида эса А.А.Абдуазизов, Э.Бегматов, Э.Қиличев, Р.Қунғуров, И.Расулов, А.Рустамов, А.Шомақсудов, Г.Яхшиева, З.Қобилова, А.Ҳайдаровларнинг илмий тадқиқотларида етарлича маълумотлар берилган. Уларнинг фикрича, фоностилистика — фонетика ва стилистика оралиғидаги фан. У нутқ товушлари, бўғин, урғу, ва интонациядаги эмоционал—экспрессив ҳолатларни ўрганади. Бошқача айтганда, фоностилистикага маълум бир тилдаги барча фонетик воситаларнинг экспрессив томонларини ўрганувчи соҳадир, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Фоностилистика қуйидаги бўлимларга бўлиб ўрганилади:

1. Унли ва ундош товушлар талаффузи билан боғлиқ услубий имкониятлар.
2. Бўғин ҳодисаси билан боғлиқ услубий хусусиятлар.
3. Урғунинг семантик — грамматик ва услубий хусусиятлари.
4. Паузанинг услубий имкониятлари.

5. Интонациядаги услубий хусусиятлар.

Тилшуносликда фонетик ва фонологик стилистикани фарқлаш охирига етказилмаган. Чунки нутқдаги артикуляцион — акустик ва просодик воситаларнинг баъзилари экспрессив деб қаралиб уларнинг қайсилари фонологик стилистикага, қайсилари фонетикага киритилиши мумкинлиги ҳалигача ноаниқдир. "Фикримизча, — деб ёзади профессор А Абдуазизов, — уларнинг ҳар иккисини ажратмай, "фоностилистика" термини билан юритиш бу соҳанинг объектини анча кенгайтиради. Умуман, барча фонетик воситаларнинг экспрессив томонларига фоностилистиканинг ўрганиш соҳаси сифатида қараш анча қулайдир."

Тилдаги барча ярусларнинг бир—бири билан узвий алоқаси бўлгани каби, фонетика ва стилистика ўртасида боғланиш алоқаси туфайли фоностилистика пайдо бўлган. Бу ҳолни "морфонология" атамасида ҳам кўриш мумкин. Фоностилистика ҳам, морфонология ҳам ўз бирлигига эга эмас. Умуман, стилистика тил birlikларига эга бўлмай, балки у тил birlikларидаги эмоционал- экспрессив хусусиятларни ўрганади, Фонетик воситаларда ифодаланаётган "қўшимча бўёқ" нинг жозибadorлиги тилнинг турли ярусларида ўзаро алоқадорликда намоён бўлганлиги сабабли, уларда услубий имкониятлар катта бўлади. Жумладан, фоностилистика сўз вариантлари, дублетлар, фонетик шакли ўзгарган сўзлар талаффузига хос хусусиятларни ўрганиш билан лексик стилистикага алоқадор бўлса, турли диалектал, архаик шаклларнинг талаффузи билан ҳосил ҳиссий таъсирчанлик бўёғини тадқиқ қилишига кўра грамматик стилистика билан боғлиқдир.

Бадиий матннинг эстетик мукамаллигини таъминлашда тилнинг товуш қурилиши билан боғлиқ стилистик имкониятларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. ААбдуазизов "Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир" (Ўзбек тили ва адабиёти. 1985 №2 — Б. 25 — 28) мақоласида бу ҳодисанинг ўрганилиш тарихи ва ҳозирги ҳолати ҳамда вазифалари ҳақида қимматли фикрлар баён қилиб, бу соҳада чуқур изланишлар олиб бориш- кераклигини уқтириб ўтади.

Э.Киличев эса олий ўқув юрти талабалари учун нашр қилган ўқув кўлланмасида талаффуз стиллари ва интонациянинг услубий роли ҳақида атрофлича тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, нутқнинг товуш томони унинг мазмун плани билан бевосита боғланса, яъни уларнинг бирлиги таъминланса, бундай нутқ эстетик таъсирчан ва жарангдор бўлади, деб куйидаги мисрани келтиради:

Чорвада кўй, кўзи, қази ҳам қимиз

Ҳафтада тортиққа келиб назир қиз.

Шунингдек, М.Миртожиев, Р.Қўнғуров, Б.Йулдошев, Ҳ.Йулдошева, Ҳ.Шарафитдинов каби қатор олимлар ўз илмий тадқиқотларида у ёки бу даражада фонетик воситалар услубияти ҳақида қимматли мулоҳазалар юритганлар.

Тилшунос олим М.Миртожиев “Товушлардаги маъно” рисоласида биринчилардан бўлиб, информатив ва прагматик маъно борлигини қайд қилган эди.

А.Ҳайдаров ўзининг “Коннотатив маънонинг фонетик воситаларида ифодаланиши” номли илмий тадқиқотида коннотатив маъно ва унинг фонетик воситаларда бошқа тил birlikларига қараганда кучли ифодаланишини ҳамда бундай маъноларнинг турли нутқ услубларида эмоционал – экспрессив хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ қилган. Қ.Сапарова эса ўзининг докторлик диссертациясида товушлардаги маъноларни рус ва ўзбек тилларида қиёсий таҳлил қилган.

Бу ўринда Г.Яхшиеванинг “Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар” мавзуидаги илмий тадаиқоти ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилмоқ лозим.

Тил тадқиқотчиси Г.Яхшиева ўзининг номзодлик диссертациясида фонетик стилистиканинг янги бир кўриниши — фонографик стилистика ҳақида маълумот беради.

Кўринадики, фоностилистика ўзининг текшириш объектига кўра график стилистика билан ҳам, фонографик стилистика билан ҳам алоқадор.

Фоностилистикада нафақат сегмент ёки суперсегмент воситаларнинг экспрессив хусусиятлари, балки экспрессив нутқнинг талаффузи хусусиятлари ҳам ўрганилади. Булар ҳақида ўз ўрнида фикр юритилади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Фоностилистика курсининг мақсади, вазифаси ва ўрганилиши ...	4
Фонетик услубий воситалар, унинг кўринишлари. Денотатив ва коннотатив маънолар	8
Унли товушлар талаффузи билан боғлиқ услубий хусусиятлар .	11
Ундош товушлар талаффузи билан боғлиқ услубий хусусиятлар	18
Фонетик ўзгаришли сўзларнинг услубий жиҳатлари	24
Товуш такрорининг услубий вазифаси	29
Интонациянинг услубий хусусиятлари	39
Паузанинг фоностилистик имкониятлари.....	47
Урғунинг семантик-грамматик ва услубий ўзига хослиги.....	52
Умумий хулосалар.....	58
Мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар.....	60

А.Ҳайдаров

**ФОНЕТИК УСЛУБИЙ
ВОСИТАЛАР**

<i>Muharrir:</i>	<i>A. Qalandarov</i>
<i>Texnik muharrir:</i>	<i>G. Samiyeva</i>
<i>Musahhih:</i>	<i>Sh. Qahhorov</i>
<i>Sahifalovchi:</i>	<i>M. Ortiqova</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 08.01.2022. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 4,0. Adadi 100. Buyurtma №4.

“Sadriiddin Salim Buxoriy” MCHJ
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriiddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45

**Buxoro davlat universiteti
o'quv-metodik kengash 5-sonli
yig'ilishining bayonnomasidan**

K O' C H I R M A

29.12.2021

Buxoro shahri

K U N T A R T I B I:

1. Turli masalalar.

Ingliz tilshunosligi kafedrasida f.f.n. dotsent Haydarov Anvar Askarovichning 5120100-Filologiya va tillarni o'qitish (ingliz, o'zbek) va 5111400-Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili) ta'lim yo'nalishlari uchun "Fonetik uslubiy vositalar" deb nomlangan metodik qo'llanmani tavsiya etish.

E S H I T I L D I:

M.Y. Farmanova (kengash kotibasi) - Ingliz tilshunosligi kafedrasida f.f.n. dotsent Haydarov Anvar Askarovichning 5120100-Filologiya va tillarni o'qitish (ingliz, o'zbek) va 5111400-Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili) ta'lim yo'nalishlari uchun "Fonetik uslubiy vositalar" deb nomlangan metodik qo'llanmani nashrga tavsiya etishni ma'lum qildi. Ushbu metodik qo'llanmaga: BuxDTI Ingliz tilshunosligi kafedrasida dotsenti v.b. f.f.b.f.d (PhD) M.F.Norova va BuxDU Ingliz tilshunosligi kafedrasida dotsenti, (PhD) N.S.Qobilovalar tomonidan ijobiy taqriz berilgani ta'kidlandi. Metodik qo'llanma muhokamasi haqidagi Xorijiy til va adabiyoti fakulteti (2021-yil 28-dekabr) va Ingliz tilshunosligi kafedrasida (2021-yil 22-dekabr) yig'ilish qarori bilan tanishtirdi.

Yuqoridagilarni inobatga olib o'quv-metodik kengash

Q A R O R Q I L A D I:

1. Ingliz tilshunosligi kafedrasida f.f.n. dotsent Haydarov Anvar Askarovichning 5120100-Filologiya va tillarni o'qitish (ingliz, o'zbek) va 5111400-Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili) ta'lim yo'nalishlari uchun "Fonetik uslubiy vositalar" deb nomlangan metodik qo'llanma nashrga tavsiya etilsin.

O'quv-metodik kengash raisi

R.G'. Jumayev

O'quv-metodik kengash kotibasi

M.Y. Farmanova

